# XI. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА БАНДЛИК

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоят доимий аҳолисининг сони 3 620,1 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 55,3 минг кишига ёки 1,6 фоизга кўпайди. Шундан, 2 049,6 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 56,6 фоизи) ва 1 570,5 минг киши – қишлоқ жойларида (43,4 фоизи) истиқомат қилади.

**Фарғона вилояти худудлари**
**бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот**
*(2018 йилнинг 1 январь ҳолатига)*

| | ***Доимий аҳоли сони, минг киши*** | | | ***Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, фоизда*** | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *жами* | *шу жумладан:* | | *жами* | *шу жумладан:* | |
| | | *шаҳар* | *қишлоқ* | | *шаҳар* | *қишлоқ* |
| **Фарғона вилояти** | **3 620,1** | **2 049,6** | **1 570,5** | **101,6** | **101,3** | **101,8** |
| Фарғона ш. | 278,5 | 278,5 | х | 101,5 | 101,5 | х |
| Қўқон ш. | 245,5 | 245,5 | х | 101,0 | 101,0 | х |
| Кувасой ш. | 90,2 | 50,6 | 39,6 | 101,6 | 101,4 | 101,8 |
| Марғилон ш. | 228,3 | 228,3 | х | 101,4 | 101,4 | х |
| Олтиарик | 203,2 | 153,8 | 49,4 | 101,4 | 101,3 | 101,8 |
| Қўштепа | 182 | 72,1 | 109,9 | 101,7 | 101,0 | 102,1 |
| Бағдод | 205,8 | 106,4 | 99,4 | 101,8 | 101,7 | 101,8 |
| Бувайда | 218,3 | 107,5 | 110,8 | 101,7 | 100,6 | 102,8 |
| Бешарик | 219,2 | 77 | 142,2 | 101,6 | 101,6 | 101,6 |
| Кува | 248,3 | 115,2 | 133,1 | 101,6 | 101,5 | 101,6 |
| Учкўприк | 218,7 | 39,7 | 179,0 | 101,8 | 101,8 | 101,8 |
| Риштон | 194 | 124,8 | 69,2 | 101,7 | 101,4 | 102,4 |
| Сўх | 74,7 | 47,7 | 27,0 | 101,8 | 101,5 | 102,3 |
| Тошлоқ | 193,4 | 45,2 | 148,2 | 101,8 | 101,1 | 102,0 |
| Ўзбекистон | 229,1 | 99,7 | 129,4 | 101,6 | 101,3 | 101,8 |
| Фарғона | 204,7 | 127,8 | 76,9 | 101,3 | 101,6 | 100,8 |
| Данғара | 166,5 | 38,8 | 127,7 | 101,6 | 101,3 | 101,7 |
| Фуркат | 113,8 | 26,9 | 86,9 | 101,7 | 101,5 | 101,7 |
| Ёзёвон | 105,9 | 64,1 | 41,8 | 101,6 | 101,4 | 101,9 |

**Январь–декабрда вилоят бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари**

| *Кўрсаткичлар* | *минг киши* | | *1000 аҳолига нисбатан* | |
|---|---|---|---|---|
| | *2016 йил* | *2017 йил* | *2016 йил* | *2017 йил* |
| Туғилганлар | 78,6 | 75,5 | 22,2 | 21,0 |
| Ўлганлар | 17,1 | 18,0 | 4,8 | 5,0 |
| *шу жумладан* бир ёшгача болалар | 0,6 | 0,6 | 7,4[1)] | 7,3[1)] |
| Никоҳлар, *мингта* | 30,6 | 33,9 | 8,7 | 9,4 |
| Ажралишлар, *мингта* | 3,2 | 3,5 | 0,9 | 1,0 |

**Туғилиш даражаси.** 2017 йилнинг январь–декабрида туғилганлар сони 75,5 минг кишини ташкил этди ва 2016 йилнинг шу даврига (78,6 минг киши) нисбатан 3,0 минг кишига камайди, шунга мос равишда туғилиш коэффициенти 21,0 промиллени ташкил қилди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Қўқон, Фарғона, Марғилон шаҳарларида 18,0 дан 16,0 промиллега, Қувасой шаҳрида 21,0 дан 20,0 промиллега, Бешариқ, Қува, Ўзбекистон, Бағдод, Бувайда, Фарғона, Фурқат, Ёзёвон туманларида 22,0 дан 21,0 промиллега, Риштон, Сўх, Тошлок, Учкўприк туманларида 23,0 дан 22,0 промиллега, Данғара туманида 24,0 дан 23,0 промиллега камайиш кузатилди.

**Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициенти**

*2017 йилнинг январь–декабрь ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)*




1) 1000 тирик туғилганга

**Ўлим даражаси.** 2017 йилнинг январь-декабрида ўлганлар сони 18,0 минг кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (17,1 минг киши) нисбатан 938 кишига кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 5,0 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-декабрида 4,8 промилле).

Ўлганлар сонининг камайиши Фарғона (7,0 дан 6,0 промиллега) шаҳрида, Қўқон шаҳри, Данғара, Фурқат (6,0 дан 5,0 промиллега), Қувасой, Марғилон шаҳарлари, Олтиариқ, Қўштепа, Бағдод, Бешариқ, Қува, Учкўприк, Тошлоқ, Бувайда, Ёзёвон ва Сўх (5,0 дан 4,0 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 64,0 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 16,0 фоизи - ўсма касалликларидан, 6,1 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 3,5 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан вафот этган.

**Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши**

*(2017 йилнинг январь-декабрь ҳолатига, фоизда)*




Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-декабрида бир ёшга тўлмаган 567 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 7,3 промиллени ташкил қилди (2016 йилнинг январь-декабрида 7,4 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 40,0 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 19,4 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 27,7 фоизи – туғма аномалиялардан ва 6,5 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2017 йилнинг январь-декабрида ФҲДЁ органларида 33,9 минг та никоҳлар ва 3,5 минг та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 9,4 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида 8,7 та) ва 1,0 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 0,9 та) тўғри келади.

**Январь–декабрда тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони**

*(бирликда)*

| | *Тузилган никоҳлар* | | *Никоҳдан ажралишлар* | |
|---|---|---|---|---|
| | *2016й.* | *2017й.* | *2016й.* | *2017й.* |
| **Вилоят** | **30 668** | **33 922** | **3 283** | **3 498** |
| *шаҳарлар:* | | | | |
| Фарғона | 2 060 | 2 199 | 515 | 471 |
| Қўқон | 1 793 | 2 084 | 428 | 416 |
| Қувасой | 808 | 811 | 123 | 125 |
| Марғилон | 1 818 | 1 983 | 222 | 262 |
| *туманлар:* | | | | |
| Олтиарик | 1 678 | 2 069 | 135 | 162 |
| Қўштепа | 1 655 | 1 785 | 117 | 120 |
| Бағдод | 1 784 | 1 977 | 111 | 201 |
| Бувайда | 1 712 | 1 976 | 141 | 147 |
| Бешарик | 2 008 | 2 045 | 207 | 202 |
| Қува | 2 159 | 2 359 | 187 | 204 |
| Учкўприк | 1 915 | 2 168 | 138 | 168 |
| Риштон | 1 799 | 1 948 | 116 | 142 |
| Сўх | 528 | 581 | 43 | 32 |
| Тошлоқ | 1 810 | 1 918 | 146 | 132 |
| Ўзбекистон | 1 929 | 2 190 | 157 | 213 |
| Фарғона | 1 772 | 1 958 | 195 | 184 |
| Данғара | 1 580 | 1746 | 130 | 146 |
| Фурқат | 999 | 1168 | 111 | 108 |
| Ёзёвон | 851 | 957 | 61 | 63 |

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 13 196 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 15 339 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 2 143 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 1979 киши) тенг бўлди. Энг катта минус қолдиқлар Фарғона тумани (минус 689), Қўқон шаҳрида (минус 504), Данғара (минус 325) туманларида кузатилди.

**Январь–декабрда аҳолининг миграция кўрсаткичлари**

*(киши)*

| | *Келганлар* | | *Кетганлар* | | *Миграция сальдоси* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *2016й.* | *2017й.* | *2016й.* | *2017й.* | *2016й.* | *2017й.* |
| **Вилоят** | **12 135** | **13 196** | **14 114** | **15 339** | **-1 979** | **-2 143** |
| *шаҳарлар* | | | | | | |
| Фарғона | 2 887 | 3 444 | 2 598 | 2 449 | 289 | 995 |
| Қўқон | 1 333 | 1 162 | 1 715 | 1 666 | -382 | -504 |
| Қувасой | 287 | 331 | 299 | 344 | -12 | -13 |
| Марғилон | 799 | 975 | 1 187 | 1 295 | -388 | -320 |
| *туманлар* | | | | | | |
| Олтиариқ | 141 | 252 | 393 | 506 | -252 | -254 |
| Қўштепа | 461 | 468 | 600 | 659 | -139 | -191 |
| Бағдод | 724 | 828 | 547 | 732 | 177 | 96 |
| Бувайда | 480 | 549 | 621 | 670 | -141 | -121 |
| Бешариқ | 392 | 326 | 539 | 555 | -147 | -229 |
| Қува | 623 | 602 | 548 | 736 | 75 | -134 |
| Учкўприк | 720 | 863 | 762 | 906 | -42 | -43 |
| Риштон | 538 | 587 | 494 | 677 | 44 | -90 |
| Сўх | 1 | 1 | 25 | 28 | -24 | -27 |
| Тошлоқ | 652 | 765 | 646 | 797 | 6 | -32 |
| Ўзбекистон | 812 | 823 | 913 | 1017 | -101 | -194 |
| Фарғона | 100 | 100 | 676 | 789 | -576 | -689 |
| Данғара | 415 | 318 | 763 | 643 | -348 | -325 |
| Фурқат | 607 | 623 | 581 | 595 | 26 | 28 |
| Ёзёвон | 163 | 179 | 207 | 275 | -44 | -96 |

2017 йилнинг январь–декабрь ойларида иқтисодий фаол аҳоли сони 1 630,5 минг кишини ёки аҳоли умумий сонининг 45,0 фоизини ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь–декабрь ойларида иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 1 525,7 минг кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 1,1 фоизга ошди.

**Жами бандларнинг таркиби**

*(умумий хажмга нисбатан, фоизда)*




2017 йилнинг январь–декабрь ойларида иқтисодий фаол аҳолининг бандлик даражаси (иқтисодиётда банд аҳолининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати) 93,6 фоизни ташкил этди. Нодавлат секторининг жами бандлардаги улуши 85,1 фоизга етди (2016 йилнинг шу даврида 85,0 фоиз).

## Меҳнат ресурслари
## ва аҳолининг иш билан бандлиги [1)]

*(2017 йил январь-декабрда, минг киши)*

**вилот бўйича 2 032,0**




**вилоят бўйича 1 525,7**




Бандликка кўмаклашувчи марказларга иш қидириб мурожаат этганлар[1)] сони 30 687 кишини (ўтган йилнинг мос даврида 34 805 киши), расман ишсиз мақомини олганлар 3 165 кишини (1 810 киши), улардан ишсизлик нафақаси ажратилганлар сони 558 кишини (324 киши) ташкил этди. Иш билан таъминланган аҳоли сони[1)] 2017 йил январ-декабр 26 865 кишини (ўтган йилнинг мос даврида 33 883 киши) ташкил этди.

---

[1)] *Меҳнат ва бандлик муносабатлари бошқармаси маълумоларига асосан*